



СУДЬЯ: ОКЛАДИМИ, «ОХ»ЛАДИМИ?

Фарғонада бағоят хайратли воқеа юз берди.

Йўқ, осмон узилиб ерга тушмади, куёш ҳам фарбдан чиқмади, боз яна Шохимардон сувалари тескари оққанида йўқ.

Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят судининг А. Аликулов деган судьяси нақ қотиллик ва босқинчилик жиноятларини содир этганликда аямай айбланган беш нафар шахннинг “дело”сини уч ой ижиг-бижигини чиқариб кўрди ва... уларни айбсиз деб топиб, суд залидан ооздликка чиқарворди!

Ана энди кўринг томошани: терговчилар хушёр тортган, прокурорнинг тинчи бузилган, айрим ЖКБ ходимларининг пайтавасига курт тушган бўлса, баъзиларининг лабига учуқ тошган, ҳатто манаман деган судьялар ҳам бу ҳол нечоғли яқун топишини билолмай гарант!

Уёғини сўрасангиз, Оқлов ҳукми йўқ даражада бўлган бизнинг шароитда бундай суд актини чиқаришга ўзида журъат топган судьяни ҳали биров миллий қахрамон даражасига кўтаришга шошаётгани йўқ. Вилоят прокуратураси “Суд бир томонлама бўлган!” деган қатъий аҳд билан Оқлов ҳукмига нисбатан

зудликда апелляция протести келтирди. Вилоят суди раҳбарлари зудликда келтирилган протестни зудликда қабул қилиб, яна зудликда жиноят иши апелляция тартибида кўриладиган вақтни тайинлаб юборди. Гап шундаки, кў-ўпчиликнинг мазасини қочирган Оқлов ҳукми шу йил 10 апрель кuni чиққан бўлса, прокуратура 11 апрель кuni протест берган, протест вилоят суди томонидан 12 апрель кuni қабул қилиниб, нухалари 14 апрель кuni томонларга юборилган ва айни шу кун иш апелляция тартибида 15 апрелда кўрилажаги маълум қилинган. Айни шу ҳолатлар ҳам кўрсатиб турибдики, ушбу жиноят иши юзасидан чиқарилган ҳукмга эътибор ва қизиқиш жуда катта! Шу боис ҳам Қонунда апелляция шикоят ёки протест бериш (ишни кўриш эмас!) муддати ўн сутка қилиб белгиланган бўлса-да, бу кўрсатилган муддатнинг қоқ ярми ўтмай, кейинги инстанция суди судьялари аллақачон енг шимариб ўтирибди. Бирок “тезкорлиги” барчага намуна бўлгулик вилоят суди мутасаддиларининг ҳаракатлари адвокатларга ёқмаяпти. Аллақандай қонунларни пеш қилиб, турли жойларга ари-

залар битишадими-ей!.. Химоячилар ёзган шикоятларнинг қуввати дурустгина чоғи, охириги маълумотларга қараганда, ишни апелляция тартибида кўриш 15 апрелдан 23 апрелга қолдирилган. Бироқ ҳозир гап бунда эмас.

Гап шов-шувга молик воқеа юз берганида! Ахир қотиллик ва босқинчиликда айбланган шахсларга нисбатан Оқлов ҳукми чиқиши тушга ҳам кирмайдиган воқеа! Лекин дўппини осмонга отишга ҳали вақт бор. Негаки, ҳукм қонуний кучга киргани йўқ. Шу боис ҳам жиноят иши тафсилотларини ёритишдан ҳозирча ўзимизни тиямиз. Собиқ маҳбуслар билан уюштирилган суҳбатлар кейинга сурилгани учун улар ҳақида маълумот бериш ҳам насияга қолди. Оқлов ҳукми чиқарган судья билан режалаштирилган суҳбат эса амалга ошмайди чоғи... Нега десангиз, судья жаноблари... ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзибди. Судьялик — ўз хоҳишига кўра шартта ариза ёзиб кетворадиган лавозим эмаслигини инобатга олсак, сенсация даражасига кўтарилган ҳукм муаллифининг бундай ҳаракати ҳозирча жумбоқ бўлиб турибди.